



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 117 (9363). ● 1988 йил 18 июнь ● Баҳоси 3-тийин.

● XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига бағишланган витриналар ●

БУТУНИТТИФОҚ АНЖУМАНИ ЭКРАНИ

В. И. Ленин номидаги Марказий музейнинг Тошкент филиали коммунистлар Бутуниттифоқ анжуманига бағишланган экспресс-ахборот витриналари ташкил этди.

Витриналар таништирадиган дастлабки хабарларда тарих билан ҳозирги замон узвий боғланган. КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини қақариш тўғрисидаги қарори билан ёнма-ён ундан илгари ўтган 18 та конференция ҳақида қисқача ҳикоя, Марказий Комитет 1988 йил май Пленумида маъқулланган КПСС Марказий Комитетининг бўлғуси конференция-

га Тезислари билан ёнма-ён эса партия Уставида акс эттирилган ленинча асосий принциплар кўзга ташланади.

Ҳар бир витрина ленинча анъаналарнинг тантанаси ҳақида ҳикоя қилади. Чунончи, ўлкадаги дастлабки коммунистларнинг партия билетлари, КПСС ветерани нишони билан ёнма-ён Ўзбекистон партия ташкилотидан XIX конференцияга сайланган делегатларнинг номлари, республикамиздан бораётган кишиларнинг фикр ва орзу-ўйлари ифода қилган материаллар, ўртолқларнинг нақазлари жой олган...

Стендлар конференциянинг очилишини ва боришини кун

сайин акс эттириб туради. Бу ҳақда текстлар ва расмий материаллар маълум қилиб боради. Витриналардан бири Ўзбекистон делегатлари ҳақидаги хабарларга, уларнинг нутқлари ва Москвадаги учрашувларига бағишланади.

Экспозицияга монтаж қилинган телевизион экран энг жозибали ва ниҳоятда оператив «стенд» бўлади, у бизни конференция мажлислар залига «олиб киради».

Экспресс-ахборот Ленин адоғорлиги янги бўлимларини ташкил этишда қимматли тарихий материал бўлади ҳамда мамлакат коммунистлари анжуманининг энг муҳим воқеалари ва ҳужжатларини акс эттириб, катта ўзгаришлар даврининг ўзига хос белгиларини мужасамлаштиради.

(ЎзТАГ муҳбири).

ШУНДАЙ ПАРТИЯ БОР!

— Владимир Ильичнинг ана шу сўзлари партия иккинчи съездининг 85 йиллигига ва бўлажак XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига бағишланган кўчма кўргазманинг шиори бўлиб қолди.

В. И. Ленин номидаги Марказий музейнинг Тошкент филиали тайёрлаган экспозиция доҳийнинг «Большевизм сиёсий фикр оқими сифатида ва сиёсий партия сифатида 1903 йилдан буён мавжуд» деган сўзлари билан очилди.

Ҳар бир стенд партия ташкил топишининг энг муҳим босқичлари, унинг программалари, стратегияси, ташкилий принциплари, структураси ҳақида ҳикоя қилади. Еркин материаллар совет халқининг синалган жанговар авангарди,

совет жамиятининг раҳбар кучи — Совет Иттифоқи Коммунист партияси ҳақида, коммунист деган юксак ном тўғрисида ҳикоя қилади.

Экспозиция бўлажак XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида мужасамлашган Ленин таълимотининг, ленинча анъаналарнинг ҳаётбахш кучи тўғрисидаги фикр билан йўғрилган.

... Кўчма виставка биринчи бўлиб Ўзбекистон пойтахтининг Киров район партия комитетида ўтказилди. Бу ерда мазкур экспозиция билан партия ташкилотларининг секретарлари танишди.

(ЎзТАГ муҳбири)



КПСС
Марказий
Комитети
Тезисларини
муҳокама
қиламиз

БИЗНИНГ ТАКЛИФЛАРИМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари муҳокамаси давом этмоқда. Йигилишларда сўзга чиқайтган нотиқлар ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштиришга ёрдам берувчи бир қатор таклифларни ўртага қўймоқдалар.

М. М. Никитин, Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цех

бошлигининг ўринбосари:

— Сайлаб қўйиладиган партия органлари инструкторлик лавозимига кадрлар тайинланмай демократик йўл билан сайлангани керак.

Д. Абдулхайрихонова, республика болалар кутубхонаси кутубхоначиси:

— Болали аёлларга қисқартирилган иш кунини жорий этилиши ва бунда маош миқдори сақланиши керак, токи она болалар тарбияси билан кўпроқ шугуллансин.

[Давоми 2-бетда].

жуд 771 та автомобиллари миздан 589 таси ана шундай ёнилғи билан ишламоқда. Аммо коллективимиз ишчилари мана шу ютуқлари учун ҳануз рағбатлантирилгани йўқ.

Бундан ташқари яна бир нарса бизга малол келмоқда. У ҳам бўлса, юқорида айтилган ёнилғининг баҳоси. СССР нархлар давлат комитети белгилаб берган нархнаволар республикамизда бошқа тартибда талдиқ қилинаётганини кишини ажаблантиради. Хусусан корхонамиз автомобиллари учун олинаётган суолтирилган газ иттифонда белгиланган нархларга нисбатан 2 баравар қимматга тушмоқда. «Союзбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг бундай сиёсатини қандай изоҳлаш мумкин?

ЭРТАГА—МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ



Чехрасида табассум, кўзларида қувонч порлаб турган бу ёш-шифокор — кардиолог Меҳринисо Хўжаева ўзининг билими, малакаси, беморларга самимий муносабати билан Тошкент область касалхонаси коллективининг ҳурматига сазовор бўлмоқда. У шифохонада энг актив жамоатчи ҳамдир. Меҳринисо ВЛКСМ аъзоси сифатида «Шифокор» деворий газетасига редакторлик қилмоқда. У ўзи каби ёшларни атрофига тўлаб, деворий газетани мунтазам қизиқарли чықаришга интилади. Унда шифохонада қўлга киритилмаётган ютуқлар,

малакали шифокорлар ҳақида ҳикоя қилиш билан бирга йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида ҳам мақолалар, хабарлар ёритиб боради.

Жонкуяр врачдан айниқса беморлар мамнуи. «Меҳринисо палатага кирдими, кўёш кулгандек бўлади, биз жуда енгил тортиб кетамиз» дейишда улар. У ҳаммиса ана шу сўзларга лойиқ бўлиб юраверсин, дейимиз биз ҳам. Суратда: шифокор Меҳринисо Хўжаева.

А. ЗУФАРОВ фотоси.

АЛЛО,
РЕДАКЦИЯМИ?

Ф. МАМАЖОНОВ,
Тошкент экспериментал ишлаб чиқариш авторхонаси директори:

Корхонамиз мамлакатда биринчи бўлиб, 1978 йилда автомобиллар ёнилғиси сифатида суюлтирилган газдан фойдалана бошлади. 1986 йилда эса 156 автомобиль корхонамиз коллективи ташаббуси ва кучи билан янги турдаги ёнилғига мослаштирилди. Ҳозирги кунда мав-



БИЗНИНГ ТАКЛИФЛАРИМИЗ

(Боши 1-бетда).

С. Шоаҳмедов, Ўзбекистон ССР Госплани, экономика институти сектор мудир:

— КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси составига барча иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари сайланиши керак.

В. Одинаев, Бўстонлик райондаги музика мактабининг директори:

— Бошланғич партия ташкилотларида қўғозбозликни камайтириш мақсадида ўз сафига 15 нафаргача коммунистни бирлаштирган ташкилот секретарларига кундалик дафтар тутиш тавсия этилсин. Ингилиш протоколлари расмийлаштирилмай кўрилган масала ва қабул қилинган қарор шу кундаликка ёзиб борилади. Асосий эътибор қарорлар ижросига қаретилса.

К. Першеев, Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» колхозни пенсионер:

— Район, шаҳар партия комитетлари секретарлигига тавсия этилаётган номзодлар албатта бошланғич партия ташкилотларида олдиндан муҳокама қилиниши зарур.

Х. Пардақулов, Чиноз райондаги «Қизил Октябрь» колхозни аъзоси:

— Мамлакатдаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан комплекс программа ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг конкрет мuddати белгиланиши керак.

Н. Нурлибоев, Бўстонлик райондаги 14-мактаб партия ташкилотининг секретари:

— Мактаблар ва база корхоналари партия ташкилотларини бирлаштириш зарур. Мактаб партия ташкилоти корхона учун цех партия ташкилоти бўлиши мумкин.

КПСС
Марказий
Комитети
Тезисларини
муҳокама
қиламиз

ИШЧИ ГРУППА ИШ УСТИДА

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари янги эълол қилинган кезларда Оққўрғон район партия комитетининг 7 кишидан иборат оператив гуруҳи тузилди. Гуруҳи аъзолари зиммасига Тезислар муҳокамасини ташкил этиш ва

ташкитлаш таклифларини умумлаштириб бориш вазифаси юклатилди.

Гуруҳи аъзоларининг тadbиркорлиги билан дастлабки кунларда Тезислар муҳокамаси кенг йўлга қўйилди. Очiq партия йиғилишларида сўзга чиққан коммунистлар ва партиячилар Тезислар буйича ўз фикр-мулоҳазаларини ошқора баён этидилар. Қисқа вақт ичида 87 та бошланғич партия ташкилотини йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда ташкилотчилик ва сийёсий ишларни яхшилашга ёрдам берувчи 200 дан ортиқ таклифлар тушди. Тезисларга алоқадор таклифлар юқори партия органларига тақдим этилди. Маҳаллий ҳаётга алоқадор таклифлар эса ижрочи ташкилотларга маълум қилинди.

Айниқса, «Партия XXII съезди» колхозни коммунистларининг очiq партия йиғилиши ишчанлик руҳида ўтди. Сўзга чиққан колхозчи Бердиқул Ҳамроев пенсионерлар раҳбарлик лавозимидан ўз хоҳишлари билан воз кечишлари керак деган му-

лоҳазани айтди. Колхоз партия ташкилоти секретари Аҳад Паршиев халқ контрол группаси ва ревизия комиссиясини битта ташкилотга бирлаштиришни таклиф этди. «Сигнал» заводи мастери К. Ким ваколат муддати буйича ўз фикрларини билдирди. Бу мuddатини беш йилдан оширмаслик зарурлигини уқтирди.

Шунга ўхшаш таклифларни гуруҳи аъзолари мунтазам умумлаштириб бормоқдалар.

Суратда: гуруҳи аъзоларидан «Мўл ҳосил учун» газетаси редакторининг ўринбосари Б. Йўлдошев, район комсомол комитетининг иккинчи секретари З. Чинтошев, «Мўл ҳосил учун» газетаси мастул секретари М. Тожибоева, район партия комитети ташкилий бўлими мудирини Н. П. Шейко ва район партия комитети инструктори Н. И. Короткова кунга кеч жойларда бўлиб ўтган йиғилишларда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни ўрганимоқдалар.

А. Зуфаров фотоси.



ДЕМОКРАТИЯНИ ЎРГАНАЙЛИК

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Совети партия гуруҳининг мажлиси аввал ҳабар қилинганидек соат 16 да бошланди. Соат 17 да эса ташкилий сессияни очиб режалаштирилган эди. Лекин сессия соат 18 дагина иш бошлади. Нега?

Маълумки, 1988 йил 1 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Янгийўл району территориясини маъмурий жиҳатдан халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Советига бўйсундириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Маъмур биринчи ташкилий сессия кун тартибига халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетини сайлаш, халқ депутатлари шаҳар Совети доимий комиссияларини тузиш ва улар составини сайлаш, шаҳар ижроия комитети бўлимлари ва бошқармалари раҳбарларини тасдиқлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарларини тасдиқлаш, шаҳар халқ контрол комитетини тузиш ва унинг составини тасдиқлаш киритилди.

Партия гуруҳаси мажлисида сўзга чиққан кўпчилик Янгийўл районлик нотийлар район билан шаҳарни бирлаштиришга норозилик билдирдилар. Ана шу масала юзасидан тортишув, мунозаралар анчагина давом этди. Маҳаллийчилик руҳидаги баъзи чалнаш фикрлар ҳам минбардан туриб айтилди. Ингилишни олиб боровчи, сўзга чиққан айрим нотийлар қайта қуриш муносабати билан партия ва ҳукуматимизнинг бу бордаги мақсадлари, бу муҳим давлат аҳамиятидаги тadbирнинг истиқбол ҳақида фикр билдирдилар. Гап шундаки, бундай бирлаштиш кўп жиҳатдан заруратга айлиниб қолди. Шу муносабат билан ортинча шпатель қисқарди. Масаланинг яна бир муҳим томони бор: Янгийўл шаҳрида-

ги саноат корхоналари асосан деҳқончилик ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Шу сабаб шаҳар ва район ўртасидаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалаларни чуқурроқ ўрганиб такомиллаштириш, бошқарувни марказлаштириш лозим бўлиб қолди.

Партия ва ҳукуматимиз 2000 йилгача ҳар бир совет оиласини уй-йой билан таъминлаш программасини энг муҳим долзарб масала сифатида олга сурмоқда. Лекин кейинги йилларда айрим

ган. Бу эса сессия олдиндан қатор тушунмовчиликларга ва сессиянинг кечикиб бошланишига сабабчи бўлди.

Сессияда халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Совети ижроия комитети раислигига шу кунгача халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси бўлиб келган М. Мўйдинов ва халқ депутатлари Янгийўл район Совети ижроия комитетининг раиси вазифасида ишлаб келган А. Юсупов ва Янгийўл шаҳар партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудирини

маларини баён этиш учун сўз берилди. Уларнинг деярли ҳаммаси ўз ижтимоий келиб чиқишларини батафсил айтиб беришди. Гапнинг очигини айтганда, улар бу ижтимоий аҳволлари билан шу лавозимларга муносиб эканликларини ошқора бўлмасида зимдан таъкидлаётганликларини пайқаб олиш қийин эмас эди.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчимиз. Бирлаштиш туфайли мунозара қизиган, асаблар таянганлиги шундай бир нолик вазиятда ҳар бир ном-

ган ишларни баён этиш билан чегараланди. Асосан уларнинг программалари ҳисоб беришдан иборат бўлиб қолди. Аслида эса режалари, мақсадлари, бу лавозимда қандай ишлар қилгани ҳақида аниқ айтиши зарур эди.

Депутат М. Мўйдинов ўз номзодини шаҳар Совети ижроия комитети раислигига киритмасликни икки бор сўради. Лекин депутатлар М. Мўйдиновга ижроия комитети раиси сифатида тажриба ортириб қолганлиги, яхши ишлаётганлигини ҳисобга олишиб, унинг таклифини рад этишди.

Сайловнинг биринчи босқичидан сўнг халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети раислигига номзодлар рўйхати қисқарди. Рўйхатда М. Мўйдинов ва А. Юсуповларнинггина номзодлари қолди. Биринчи босқичда халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети раисини ўринбосарлигига Ҳ. Саъдуллаев, В. Муратов, Д. Мунлар сайландилар.

Сайловлар шу кунга узил-кесил ҳал қилинмади. Иккинчи ҳал эса ўзгартириш бўлди: М. Аҳмедов ва С. Емелин ўртоқлар ўз номзодларини қўйишдан воз кетганликларини билдирдилар. Ҳозир ошқоралик, қизгин мунозарали ва баҳслар билан ўтган сайловдан сўнг А. Юсупов халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетига раис, Т. Лозова раис ўринбосари, М. Мирзааҳмедов секретари, Э. Йўлдошев шаҳар халқ контрол комитетининг раиси этиб сайландилар.

Сессияда халқ депутатлари област Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, область партия комитети бюро аъзоси О. Г. Айдаков иштирок этди.

Б. ПУЛАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
нинг махсус мухбири.

УЧ НОМЗОД ҚЎЙИЛГАН ЭДИ...

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Советининг биринчи ташкилий сессиясидан

маҳаллийчилик таъсиридаги тор мулоҳазалар туфайли бу муаммоларни ҳал этиш анча мушкул аҳволга тушиб қолди. Шаҳар меҳнаткашлари учун уй-йой қуришга ер ажратиш ва бошқа масалаларни ҳал этишда район территориясини маъмурий жиҳатдан шаҳар Советига бўйсундириш амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида қатор мулоҳазалар баён этилди. Шундан кейингина мақсад равшанлашиб, кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқа бошлади.

Партия гуруҳаси мажлисидаги мулоҳазалар шунини кўрсатдики: партия ва совет органлари активлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қабул қилган маъмур Фармони мазмунини тушунириш буйича талаб даражада иш олиб боришма-

Р. Тожибоевларнинг номзодлари қўйилди.

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосарлигига эса депутатлардан Л. Гладкова, Т. Лозова, Ҳ. Саъдуллаев, В. Муратов, Д. Мун номзодлари кўрсатилган.

Шаҳар Совети ижроия комитети секретарлигига М. Аҳмедов ва М. Мирзааҳмедов, шаҳар халқ контрол комитети раислигига Э. Йўлдошев, С. Емелин ўртоқларнинг номзодлари қўйилди. Ижроия комитет раислигига номзодлари кўрсатилган депутат А. Исабоев ва Қ. Нурмухамедов ўртоқлар ўз номзодларини муҳокама қилмасликни илтимос қилдилар. Уларнинг бу илтимоси қондирилди.

Номзодларга ўз програм-

маларини баён этиш учун қиқшини батафсил сўзлаб, кўпчиликнинг вақтини олишлар партия шартми? Визингча, ташкилий ишларга мастул ўртоқлар буни олдиндан ҳисобга олишлари даркор эди. Визингча кўрсатилган номзодлар ҳақидаги зарур маълумотлар билан қўрилишни илгарироқ таништирилганда тўғри бўларди. Чунки бунинг ҳеч яширадиган жойи йўқ. Қайтага бу билан ошқоралик таъминланган, иккинчидан сессияни маълум даражада қисқа вақтда, ишчанлик руҳида ўтишига эришилган бўларди.

Энди номзодларнинг программалари ҳақида. Тўғри, бирмунча яхши таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Лекин кўпчилик майда-чуйда вазифалар, шу кунгача қилинган, планларда белгилан-



**ИНСОН ДУНЁГА
БИР МАРТА
КЕЛАДИ**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг 1988 йил 7 май сонидagi «Сиз нима дейсиз, опа-сингиллар?» мақоласини ўқиб, чуқур ўйга толдим. Қалбимда мақоладаги келта-фаҳм сингилга нисбатан нафрат кўзгалди ва унга ўзимнинг «сингиллик» маслаҳатини беришга шошилдим. Нахотки, дунёда топилиши мумкин бўлган мол-дунё, латта-путта учун, азиз, меҳрибон онангиз, оғир кунингизда сизга ҳамдард бўлувачи оналарингиз қалбини ўйламасдан дерз кеттиравётганингизни туншунмайсиз? Улардан шунинг учун нахот юз ўнгирсангиз! Онангиз сизга яхши сеп қилмаганликлари билан, ҳаётда ўз бахтингизни топибсиз, шу ни ўзи кифоя эмасми!

Менинг олти онам, икки акам, бир укам ва бир синглим бор. Онам ҳар биримизни бахтимиз ва келажакимиз учун тинмай меҳнат қилдилар. Шу чоққача онамдан ҳеч биримиз ва ҳеч бир одам норози бўлган эмас, чунки у киши ҳар биримизни бирдек сундилар. Дунёда нафақат менинг онам, бошқа кўплаб оналар, шулар қаторида сизнинг онангиз ҳам фарзанди бахти учун қайғуришди. Онангиз оддий ишчи бўлсалар-да, рўзгордан орттириб сизга қилган селлари учун раҳмат айтиш ўрнига улар билан гаплашишни истемайсиз. Ҳозирги тинч ва фаровон замонамизда «тўқликка шўхлик» қилиб, инсоннинг фазилати бўлган одамийликни захарлаб келаятганлар учраётгани сир эмас.

Мен бундайларга ўзимни сўнгги сатрларим, билан му-рожаат қилмоқчиман: «Огоҳ бўлинг, дугоналар! Инсон ҳаётга бир марта келади, ҳеч қим унга устун бўлган эмас. Шу сабабли шундай яшайликки, биздан кейинги авлодлар орасида инсонийлик ва одамийлик абадий ашаб қолсин!»

Наргиза ЮНУСОВА,
Ангрэн шаҳар, Муқимий номи 29-ўрта мактаб ўқувчиси.



МАТЛУБА Абдуллаева Урта Чирчиқ район тикув ишлаб чиқариш биришмасининг илгор тикувчи мотористасидир. У меҳнат қилаётган коллектив шу йилнинг беш ойи план топширигини мuddатидан илгари ошириб бажарди. Ҳозир қорхонада 25 турдан ортиқ аёллар ва болалар учун кийим-кечаклар тикиляпти. Уларни бежирар ва харидоргир бўлишида Матлуба ва унинг илгор дугоналари Дония Шарофуддинова, Дилфуза Азимова-валаринг катта ҳиссаси бор. Суратда: комсомол фотоси М. Абдуллаева.

А. Зуфаров фотоси.

• Турмуш чорраҳаларида

Қалбнинг дарз кетишига арзимаган нарса ҳам сабаб бўлар экан. Йигирма кунлик келин турмуш ўртоғи билан қасалхонада ётган ўзи отаси Рус-там ақани кўргани боришди. Қайтишда эса Азиза Фахридиндан музқаймоқ олиб беришни сўради. Ҳали асал ойи лаззатидан тўла баҳраманд бўлмаган келинчак морожено-не ўрнига муздек совуқ гап эшитди.

«Қорнимга эмас, қадримга ййғайман» деганларидек, Азизани куни кеча ахду паймонларини гапиривериб, еттинчи осмонга чиқариб қўйган турмуш ўртоғининг уни бир неча чақога олмаганини ўқис-тиди. Фахридинлар оиласини тўй қилиб, камҳаражатроқ бўлиб қолган, деб бўлмасди. Аксинча, Азизанинг отаси қуда томонга «яқинда тўй қилганимиз, ҳозир қиз чиқаришга қурбимиз етмайди», деганида улар 3 минг сўмни нақд санаб беришган эди. Йўқ, бу қалин ҳам эмас, «она сути ҳаққи» ҳам эмас, қарз эди.

Қандини урисин, Фахридинлар оиласи пул топишни билишди. Уч ногрул ака-ука ва уларнинг отаси Тўхтамурод ака Маҳкамовлар «Тошкент» ресторанида швейцарлик қили-лишди. Бир кеча навбатда туришса, эртасига бўш. Бекор-ман деб бўш юрмайдилар. Оилалари билан колхоздан ер олишган. Улар бу ерда уриб қулупнай етиштиришди.

Баҳорда оғизнинг сувини қочирадиган, аммо нархи ҳу-шинга келтирадиган қулупнай уюмларини бозор растасида кўрган баъзи бировлар уни етиштирадиганлар пулни сулу-риб олишди деб ўйлашди. Унчалик эмаслигини қулупнай экиб кўрганлар билади. Ездан бошлаб баҳоргача неча бор экин чопиқ қилиниб, парва-ришланиши, суғорилиши ке-раклигини кўя беринг. Етил-ган ҳосилни териб олиш ма-шаққатининг ўзи етарли. Аммо пулни пешона тери билан топган, уни мардларча сарф-лашга ҳам, чидагани экан...

Хуллас, музқаймоқдан бош-ланган нохушлиқ ўртадан кў-тарилмасдан янги дилхиралик бўлди. Фахридиннинг ақаси хотини билан бирга ёш келин-ларига ҳам совға келтирган экан. Бу Фахридиннинг жун-бушга келтирди. «Акам сенга бесабаб совға қилмаган бўл-салар керак!» деб Азизага қўл кўтарди.

Аъзойи бадани қақшаб оғри-ётган, кўларни жиққа ёш Ази-за қайнонасидан раҳм кутган эди.

— Болани — шўхлик қил-майди, эрни — урмайди деб бўлмайди,— насихат қилган бўлди Маҳбуба опа,— тоту-яшай десангиз, эрингизнинг га-пини иккита қилманг, раъйини қайтарманг.

Азизанинг гапи оғзида қол-ди. Айтгани иккита бўлишини хаёлига ҳам келтирмайдиган Фахридин оғир оёқ хотини ни дўпослай кетди. Ҳўрликка чидай олмаган Азиза нахотки ошхонадаги уккус эссенцияси-дан топди.

Бахтга яреша бу қалтис қа-рор фожиага айланмади. Врач-ларнинг маҳорати билан Ази-за ўлим чангалидан қутқариб қолинди.

Оиладаги ноҳақлик, адолат-сизлик, турмуш мушкулликла-рини жонга қесд қилиш билан ҳал этишга уриниш ҳолларини мутлақо оқламаймиз. Бахт учун ҳам курашиш шарт. Ҳозир Бу-тун жамоатчиликнинг фикри аёлнинг оиладаги тенгсизлиги-га барҳам бериш, унинг иш-даги ва рўзгордаги ташвиш-ларини енгиллаштиришга қа-ратилган бир пайтда бу ку-рашда муваффақиятга эри-шишга асло шубҳа йўқ.

Шундай бўлса ҳам заман-дошимиз, Азизага кўнгул кў-йиб ўйланган Фахридиннинг турмуш ўртоғига бундай му-носабатини тушуниш қийин.

— Оиламиздаги бундай кўн-гул хиралликлар шундай хунук воқеаларга олиб келишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим,— чин дилдан ўқсиниб гапирди Фахридин. Ўйланган-нига қадар катталардан хо-тини бошидан қаттиқ ушлаш керак, деганларини эшитиб юрардим. Шунинг учун ҳам бир-икки марта хотинимга қўл кўтарганман. Энди эса пуншай-монман.

Музқаймоқ дарз кетгазиб, домий қўрғашлар совутиб юборган кўнгулга яна йўл то-пиш мумкинми? Бу воқеани қорозга туширишдан аввал шу ҳақда кўп мушоҳада қилдик. Баъзан эҳтимол, «дока рўмо-лининг қуриши» қабилида яна топишиб кетишлари мумкин бўлган эр-хотинларнинг эрки-мас жанжаллари газета саҳи-фасида баён этилган, улар ўз кўрмас бўлиб кетганлари бизни иккинчиларни турди.

Аммо бу ҳолда фикримиз-ча, фожиага бир баъра қолган-лиги, ўрта маълумотли йигит-нинг ҳанузгача турмуш ўрто-ғига чурқ этмайдиган итот-кор кимса сифатида қараш-и ва ёшларнинг ҳаётнинг даст-лабки синови олдада эсанки-раб қолаётганликлари бу во-қеани қорозга туширишга маж-бур қилди. Ундан энди оила қуриш режаларини тузаётган йигит ва қизлар, келин ва кў-ёвларинга эмас, Азиза билан Фахридин ҳам бирор сабоқ олсалар деймиз.

Адолат НОСИРОВА.



Лекин орадан меҳр кўтари-лгандан сўнг қилдан қийиқ то-пила берар экан. Азиза турса ўлоқ, ўтирса сўпоқ бўлаверди. Бироқ сабр қосанининг ҳам поёни бўлади. Уни четидан тоширган сўнгги томчиға ҳам арзиманган воқеа сабаб бўлди.

Фахридин ишдан келиб, хо-тинига овқат келтиришни бу-юрди.

— Дастурхонни сўрига ёзу-дим, ўша ерда овқатлик қа-волинг,— деди Азиза.

— Йўқ, нонни шу ерга олиб кел, мен шу ерда овқатлан-моқчиман!— ўшқирди Фахри-дин.

— Бу ерга ташиб юрмай-лик...

Қ И Р Қ Қ И З

Урта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози клуби-да ташкил этилган бичув-тикув тўғарагида қирқ нафар хотин-қиз хунаур ўрганмоқда. Тўғаракка С. К. Вонг раҳбар-лик қилаяпти. Ҳозирги кунда Ф. Абдулхайрова, Д. Назимо-ва, Н. Шаҳобиддинова каби қизлар бичиш-тиқиш ишлари-

ни ўрганиб олмишган.

Клубда бадий ҳаваскор-лик ансамбллари ҳам ишлаб турибди. Уларда қишлоқ ёш-ларни ўз маҳоратларини ошир-моқдалар, тез-тез шийпонлар-да бўлиб, пахтакорларга кон-цертлар қўйиб беришляпти. Ансамбллар ишини янада

жонлантириш мумкин. Лекин бадий раҳбар штети йўқлиги бунга тўқсинлик қилаяпти. Шу сабабли турк ансамбли тар-қалиб кетди. Район мадания-ти бўлими бу борада колхоз клубига оталиқ ердами кўр-сетади, деган умиддамиз.

У. МУҲАМЕДОВ.

**ФОНДАЛИ
МАСЛАҲАТЛАР**

● Мева, сабзавотлар ва қўкатларни зангламайдиган пичоқ-да тахтача устида тўғ-ранг.

● Тозаланган мева-лар ва қўкатлар сувда кўп турмасин, негаки, уларнинг таркибидagi кўп-лаб сувда эрувчан витаминлар ва озуқа моддалари суоқликка сингиб кетади.

● Яхшилаб қайна-ётган киселга крахмал солишни маслаҳат бер-маймиз.

● Янги узилган гул-ларни узоқ мuddат сақ-ламоқчи бўлсангиз настига баргларини қилиб қашлап, танасини ўр-тасидан 2-3 сантиметр жойин қирқиб қўйинг. Гул вазани ювиб таш-ла-нда, унга совуқ сув солинг, лекин жу-да ҳам муздек бўлмасин. Қўндуз қуларни гул-ларни офтоб томонга қўйманг, кеңкурунлари эса елвизакдан эҳтиёт қилинг.

• Агар маъқул тушса...

КИМНИНГ ТОРТИ ШИРИН?

«Тошкент ҳақиқати»да «Дугонажонлар» саҳифаси эълон қилинишини орзиқиб кутаман. Ундаги мақолалар кўпчилик хо-тин-қизларда катта қизиқиш уяғотляпти. Ай-ниқса, аёлларимизнинг тақлиф ва муло-ҳазалари ҳисобга олиниб, ахлоқ ва одоб, ўйни жиҳозлаш, урф бўлаётган янги ли-бослар ва бошқа қизиқарли мавзуларда материаллар берилаётгани диққатга сазо-вор.

Газетхонларга маъқул тушса менда ҳам бир тақлиф бор. «Дугонажонлар» саҳифа-

сида кўпчилиқка маълум бўлган таомлар, ширинликлар, салатлар тайёрлашнинг ре-цептлари бериб борилса. Йил охирида са-ҳифада ўқувчилар ўртасида сўров ташкил этилиб, энг яхши рецептни тақлиф этган газетхон редакция томонидан мукофот-ланса.

Мен дугонажонларим эътиборини ўзи-миз севиб истезмол қилдиган тортин тайёрлашга қаратмоқчиман
Ф. ШОКИРОВА,
Тошкент шаҳри.

Бир стакан сметана ва бир стакан шакар, 2 та тухумнинг сариги, бир чой қошиғида исте-змол содаси ва бир чим-дим туз билан яхшилаб ара-лаштирилади. Сўнгра бир ош қошиқ эритилган сариёғ, озгина ванилин, 12 ош қошиқ шакар қўшилган сиропни сур-тозалаб солиб хамир қо-ра-миз. Энди хамирни ёғ сур-тиглан товага солиб, 180 0 — 200 0 температурада пишира-миз ва олиб қўямиз.

Креми учун 1 стакан ша-кар, 100 гр. сариёғ, яна икки-

та тухум саригини аралашти-ра-миз. Шу тухумнинг оқини шакар билан кўпиртириб кремга кў-шамиз. Тортин икки қисмга бўлиб, пастки қисмига ярим стакан узум шарбатига 2 қошиқ шакар қўшилган сиропни сур-тозламиз, Сиропнинг устидан кремнинг ярмини суртиб тор-тининг иккинчи қисмини ёпиш-тира-миз ва устига қолган кремни суртамиз.

Шундай қилиб торт тайёр бўлади.

• Социал масалалар бўлимида •

ҚАЙТА ҚУРИШ:
СЎЗДА ВА АМАЛДА

АНГРЕН шаҳрининг Апартак посёлкаси Чотқол тоғининг ёнбағрида жойлашган. Тоғ бошида қумуш қору, этаги зумрад майсалар. Посёлка биқинидан Дукент сойининг зилол суви оқиб туради. Айниқса баҳор ва ёз ойлари ҳусни-таровати ўзгача бу жойнинг. Меҳригини одамларно, шифобахш ҳавоси кишини ҳаммавақт ўзига тортиб туради. Афсуслики ана шу гулгун чехралли посёлка «дардга» чалинбди. Бу ҳақда бир гуруҳ кексалар — Тоғаев Ахматали, Абдураимов Азамат, Абдалев Мирзаали, Дадаматов Нажим ва Мадалиев Норбой каби отахонлар редакцияга кўйиб-пишиб хат ёзишди. Эмишки, посёлкада яхши ниятлар билан қурилган чойхона кооператив ошхонага, ароқхонага айланибди. Натияжада тозаллик ва тартибга риоя қилмай қўйилди. Ошхона ёнига ситир ва ит болайдилар, тўшалган кўрпачалар яфос. Бу ердан гушт олмоқчи бўлсангиз килосига 7 сўмдан тўлайсиз. Халқ мулкани бир киши фойдаси учун тошпириб қўйишган ва ҳоказо...

Редакция бу шикоятни текширишни газетанинг штатсиз мухбири сифатида менга тоширишди. Биз уч киши, маҳалла комитетининг раиси Арслон Усмонов, Ангрэн шаҳар умумий овқатлашнинг трести бошлигининг ўринбосари Алла Ивановна Еременко билан биргаликда маҳалла активининг йиғилишини ўтказдик. Шикоят ўқиб эшиттирилди. Сўнг активларга сўз берилди.

АБДУРАХИМОВ Хушнат: — Чойхонамизга кооператив ошхона аралашди-ю, фаяз кетди. Кексалар келмай қўйишди. Кейин, гуштининг 7 сўмдан, сабзининг бир сўмдан сотилиши кимга ҳам ёқарди. Яхшиси чойхонамизни акратиб беринглар.

АБДУРАИМОВ Азамат: — Аввало бу жойга бир бечора уй қурмоқчи бўлиб иш бошлаганди. Ҳатто деворларига кўтариб қўйганди. Аммо шаҳар раҳбарларининг ижозатсиз бошланган экан, Улар бу ишни тўхтатиб қў-

йишди. Кейин маҳалла аҳлининг илтимоси билан чойхона қуришга рухсат беришди. Маҳалла меҳнаткашларининг ёрдами билан бинони тиклаб олдик. Энди бўлса ана шу чойхона М. Анорбоевнинг шахсий мулкига айланиб қолди. Агар у кооператив ошхона очмоқчи экан, ўзи жой солисин, бизнинг чойхонамизни бўшатиб берсин.

ОТАМАТОВ Иброҳим: — Маълумки, ичкилик бор жойда пасти-баланд гап бўлади. Қариялар бундай мавзудан

Авалламбор, чойхоначини таялаш керак эди. М. Анорбоевнинг чойхоначи бўлиб ишлашига кўчликчи розилик берди. Кейин овқатлаш трестидан розилик олиб, чойхона ишини юритиб юбордик. Бунинг учун ўзларининг минг бор раҳмат айтидиларинг. Энди бўлса шикоят қилиб ўтирибсизлар. Гуштини етти сўмдан сотади дейилган. Айтинг-чи, хурматли отахонлар, ош учун гушт олишда олборга ўзларинг кириб суяксиз жойидан таялаб олиб чиқасалар, ахир гушт суяксиз бўлмайди-ку. Баъзан сабзи бозоринг ўзида ҳам бир сўмдан тушмай қолади. Бу ёнган нима дейсизлар? Менга қолса Мирзакаримнинг қўнглини совутмасдим. Чунки кўп вақт ўтмай ошхонага яна эҳтиёж сезиб қоласизлар.

Шундан сўнг, кимни чойхоначи қилиб кўрсатасизлар.

Йилги сел пайтида босиб қолган экан. Ўқишлар икки сменага кўчирлибди. Мени унинг синф болалари ўқийётган хонага таклиф қилишди. Бу жой қачонларди мактаб ошхонасининг ўтинхонаси бўлган экан. Эни бир ярим метр келадиган қоронғи молхонани эслатади. Туянинг кўзидай келадиган даричадан тушадиган ёруғлик қаршисига ёзув тахтаси ўрнатилибди. Синф дейишга тилинг бормайди. Ўқитувчилар хонаси ҳам йўқ. Улар танаффусни ёки ҳовлида, ёки синфда ўлтириб ўтказишар экан.

— Бу фалокатдан шаҳар раҳбарлари хабардорми? — сўрайман Арслонбекдан.

— Хабардор. Ўтган йили фожиа юз берганда келишувди. Кейин, сув тошқинидан зарар кўрган объектлар қаторига киритилди. Бизларнинг билишимизча, Ўзбе-

гини гапирганди. Апартак аҳолиси аса ўқиниши, энг китобхона аҳоли, деб севинганди. Энди бўлса ўша аҳоли қалбига кириб келган шамчироқ ўчган кўринади. Бундай муносабат билим хазинасига нисбатан кўрнамаклик эмасмикин? Томоғимга тош тиқилгандек гапиролмай қолдим...

Арслон Усмонов нима-ларнидир гапириб йўл бошлади. Аҳоли қатнайдиган энг марказий кўча эмиш. Машинада бораяпмиз, бир ҳовуздан иккинчи ҳовузга сакраймиз, ўпангиз узилди кетай дейди. Ҳа, ҳа, халқоё эмас, том маъноси билан ҳовуз. У машинасини бир четга тўхтатиб «Анань магазин» деди. Қаршимда турган пастаккина кублага қардим. Икки хонали уйнинг бир хонаси магазин, иккинчи хонасида бола-чақа ишларкан. Савдо маданияти, санитария нормаси, деган сўзлар бу ерга ҳечам ярашмайди.

— Депутатларингиз борми? Наказ берганмисизлар?

— Депутатларимиз бор. Халқ ҳар гал сайлайди. Улардан ҳеч қандай наф йўқ. Фақат 1983 йили биздан депутат бўлиб сайланган «Ўзбекшохтострой» трести 6-қўрилиш бошқармасининг бошлиғи С. И. Чадин ҳаракати билан янги магазин қурилиши бошланди, бир ҳафта ичда деворлари қўрилди, томига битум қўйилди-ю, шу билан иш «битди». Шундан буён чала ётибди. Гапимиз ҳеч кимга ўтмайди. Ўзимиз тугатайлик десак, бизларда пол учун, пештахта ва тоқларда учун ишлатилидиган тахта йўқ.

— «Ангренторг» директори ўртоқ Зоҳидовга учрадингизми? Унинг ремонтчилар бригадаси бор. Қолган ишларни ремонт ҳисобидан қилса ҳам бўлади-ку?

— Айтдик, кўндирга олмадик. У кишига тайёр жой керак экан. Қуруқ раҳбарликдан ташқари озорқ бўлса ҳам гамхўрлик, жонкуярлик ҳам бўлиши керак-да...

Арслон Усмонов бу гапларни синиқиб гапирди. Аҳвол-манзара юроридидагича бўлганидан кейин, бошқача кайфиятини кўтиш ҳам мумкин эмас. Бу эса, фақат маҳалла оқсоқолининг ташвиши эмас, бутун посёлка аҳлининг ташвишидир.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ,
СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

БИР ПОСЁЛКА
ТАШВИШЛАРИАнгрэн шаҳар ижроия комитети
раҳбарлари диққати га!

чиқиб қолишган. Уларга ичкиликсиз, тинч жой керак.

МАДАЛИЕВ Норбой: — Ошхонанинг чойхона билан бирга бўлгани тузуқ. Лекин ичкилик киритилмасин. Ошхонасиз, агар ош дамламоқчи бўлсангиз, масалликни қардан оласиз. Бир килограмм гушт деб шаҳар бозорига югурасизми? Ошхона ҳам қолсин, лекин чойхона учун шахмат-шашка, газета-журналлар келтирилсин.

БОЗОРҚУЛОВ Йўлдош: — Шикоятда Анорқулов Мирзакаримнинг кўш машинаси бор, янги участка солган дейилибди. Бу гап ёлгон, эски машинани сотиб, янчисини олди. Янги уй солгани йўқ. Тўхмат қилманглар, ўртоқлар.

УСМОНОВ Арслон: — Маҳалла комитетининг раиси сифатида қилган меҳнатларимни мионат қилмоқчи эмасман. Халққа раҳмат, яхши меҳнат қилиб яхшигина чойхонани барпо эттишди. Бино тикланган билан чойхона ташкил бўлмас экан.

деган савол ташланди ўртага. Кимдир Азамат ақани тавсия қилди. У талмовсираб, ўзини олиб қочди, қарилганини рўқач қилди. Усмонов эса Мирзакаримнинг ўзини таклиф қилди. Биринчи мартаба муҳокама қилишимиз, энди танқиддан хулоса чиқариб ишлайдик, деди. Ҳамма бир овоздан фақат кооператив ошхонасиз ишлаш шарт билан таклифни қабул қилишди.

Шундан кейин шаҳар умумий овқатлаш трести бошлигининг ўринбосари Алла Ивановна Еременко чойхонани турли хил қандолат махсуслоқлар билан таъминлаб турилишини, чойхонага янги палос, кўрпача, шахмат-шашка, газета-журналлар беражгаини айтди. Шунинг билан чойхона масаласи тугади-ю, аммо... дардимиз тугамади.

Арслонбек мени 24-мартга бошлаб борди. Қай кўз билан кўрайкин, мактабнинг иккинчи корпуси ерга ёпишиб ётарди. У ўтган

кестон ССР Министрлар Совети мактабни тиклаш учун пул ажратган. Аммо шаҳар раҳбарлари бу пулни Соғлом посёлкасида қурилаётган янги мактаб ҳисобига ўтказишди. Бизларга қачон қарашади, билмаймиш.

Ҳа, аҳвол чинакамга оғир. Мактаб ислохоти кетаётган бир даврда шаҳар раҳбарларининг арқонини узун ташлаб қўйишганига тушун олмадик. Яна бир хунук воқеанинг гувоҳи бўлдик. Арслонбек машинасини тўхтатиб, эшигига катта қулф тушган, деворининг бир томони нур-аб ағана ётган бинони кўрсатиб: «Бу бинога кутубхона жойлашган» деди. Машинадан чиқиб яқинроқ бордим. Бордим, юрагим зирқираб кетди. Бу ерда олтишинчи йиллар учрашган бўлгандим. Ушанда кутубхона мудираси иш планини кўрсатиб, китобхонлар конференцияси, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилганли-

гизлаб турган вазифасидан бўшатишди.

ШУ мақола юзасидан Коммунистик район ижроия комитетининг бошланғич партия ташкилоти секретари М. Абсаямовдан ҳам жавоб олдик. Уни айнан келтираемиз: «Сарсон қилган буйруқлар» сарлавҳали мақола Коммунистик район ижроия комитети бошланғич партия ташкилотининг 1988 йил 29 мартда бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинди. Партия ташкилоти коммунистик район мақолада қайд этилган фактларни асосан тасдиқлади деб тойдилар. Коммунистик район ижроия комитети бошланғич партия ташкилоти коммунистларнинг кўччилик овози билан коммунистик Асқар Ботирбековга партиявий жазо бериш, мақолада келтирилган фактларни кўрсатиб ўтти тўғрисида қарор қабул қилди».

РЕДАКЦИЯДАН: Бу мужмал жавоб кимнингдир «турткиси» билан ёки партия ташкилотига «ган тегиб» қолмаслигидан қўчиб

ёзилгандек туюлди. Бўлмаса, газетанинг 11 февраль сониди эълон қилинган мақола орадан бир ярим ой ўтгач 29 мартда муҳокама қилинганлигини қандай тушуниш мумкин?

Бундан ташқари, райижроком бошланғич партия ташкилоти «фактларни кўрсатиб ўтти»на партиявий жазо деб қабул қилиниш гоят таажжубланарли. Газетада келтирилган танқидий фикрларни тан олиш қачондан бери «партиявий жазо» деб ҳисобланган бўлди? Ўшанда қилиб айтганда, бу жавоб ўта масъулиятсизлик билан ва пала-партиш ёзилган шунчаки бир жўн гап холос!

Хуллас, бошланғич партия ташкилоти коммунистларининг А. Ботирбековга нисбатан бундай мурасозлиги ҳар нарсани ўз номи билан атайдиган ҳозирги ошкоралик талабларига мулҳола зиддир.

КОЛХОЗЧИЛАР
УЧУН УЙЛАР

Урта Чирчиқ районидида уй-жой программасини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. 22-колхозлар-аро механизациялашган кўчма колонна коллективи биргина Ленин номли колхоз учун 60 та уй қурмоқда. Хўжалик правлениеси бу уйлари харид қилиб оладиган колхозчилар учун узоқ муддатли қарз беради.

Райондаги Ким Пен Хва номли колхозда эса шахсий уй-жой қурилиши кўламли-ри кенгайиб борапти. Йил бошидан бери 90 та оиллага уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилди.

Ю. МИРЗАКАРИМОВА.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИКАТИ
ЖАВОБ БЕРАДИЛАР«САРСОН ҚИЛГАН
БУЙРУҚЛАР»

11 ФЕВРАЛЬ 1988 ЙИЛ

ЮКОРИДАГИ сарлавҳа остида эълон қилинган танқидий мақолага «Стройрембелъбит» бошқармасидан жавоб олинди. Унда айтилишича, мақолада келтирилган фактлар тасдиқланган. Яъни, 1987 йилнинг 1 июнидан Э. Бўтабоевни вақтинчалик араловчи лавозимига ишга қабул қилинганлиги нотўғри. Коммунистик район хўжалик ҳисобидидаги ремонт-қурилиш бошқармасининг штатига кўра, у ерда араловчи лавозимга мутлақ бўлмаган. Шунингдек, Э. Бўтабоевни 150 сўм миқдорда мукофотлаш тўғрисидаги буйруқ ҳам қонунга хилофдир. Бу буйруқлар юридик ҳуқуққа эга эмас.

Нотўғри буйруқлар бергани учун Коммунистик район хўжалик ҳисобидидаги ремонт-қурилиш бошқармасининг собиқ бошлиғи А. Т. Ботирбеков жавоб беради.

Коммунистик район маҳаллий хизмат кўрсатиш бошқармасининг тавсиясига кўра, район партия комитети ҳамда район ижроия комитети билан келишилган ҳолда А. Т. Ботирбеков 1988 йилнинг 24 декабрида хўжалик ҳисобидидаги ремонт-қурилиш бошқармасига бошқарув эъти тайинланган. Мунтазам равишда давлат планларини бажармаганлиги, қўшиб ёзишлар ва катта миқдордаги қарзлар учун А. Ботирбеков 1987 йилнинг 1 мартда

Эртага — медицина ходимлари куну

Байрам шарафига

Партия ва давлат мамлакат соғлиқни сақлаш ходимлари олдига мамлакатда касалликларни камайтириш ва уларнинг олдини олиш юзасидан янада самарали чора-тадбирлар кўриш, меҳнаткашлар сўхат-саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг фаол узоқ умр кўришини таъмин-

лаш борасида янги вазифалар кўйди. Медицина ходимлари кунига бағишлб 16 июнь куну Москвада бўлиб ўтган тантанали йиғилишда аҳолига қандай қилиб ҳамма ерда юқори сифатли даволаш — профилактика ёрдами хамда дори-дармонлар

билан кўмаклашишни таъминлаш тўғрисида гап борди. Йиғилишда олимлар, врачлар, мутахассислар, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

РСФСР соғлиқни сақлаш министри А. И. Потапов доклад қилди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети фан ва ўқув юртлири бўлимаининг мудури В. А. Григорьев қатнашди.

(ТАСС мухбири).

БИЗ СИЗДАН МИННАТДОРМИЗ

ҚАЙТА қуриш жараёни қишларда ўз меҳнати ва бурчига масъулиятни қувайтириб бормоқда. Улар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор билан, бугунги давр руҳини ғаб олган ҳолда, хизмат қилишга интилоқдалар. Жумладан, эл саломатлигини сақлаш йўлида хизмат қилаётган шифокорлар ишларидаги ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қилувчи хат-хабарлар ҳам кўпаймоқда.


— Мен Улуғ Ватан урушининг I гурупу инвалидиман, Калинин районидеги «Ласково» совхозиде истиқомат қиламан, — деб ёзади Иброҳим Султонов. — Районимиздаги кўзи ожизлар жамаиати томонидан икки йўланма беришган эди. Янгийўлда жойлашган республика кўзи ожизлар жамаиати санаторийсида умр йўлошим билан дам олиб, даволаниб қайтдик. Бу ерда врачларнинг меҳрибонлиги, ҳамшираларнинг хордиқ чиқарувчиларга бўлган муносабатларидан дипломиз яйради. Улар доимо парвона бўлишди. Узимизни ҳозир жуда тетик ҳис этмоқдамиз. Санаторийда бизга курсатилган хизматдан миннатдоримиз. Унинг шифокорлари, бошқа ходимларига, айниқса, ҳар бир эҳтиёжимизни қаноатлантирган жонқуяр врач Татьяна Яковлевнага чин дилдан раҳмат деймиз.

Чирчиқ шаҳар касалхонасида туну-кун беморлар дардига малҳам бўлаётган Т. Абель, Н. Абдеева, В. Пан каби малкаели врачлар ҳақида хат йўллаган Т. Эшмуродов шифокорларнинг малкаеси ва билимдонлигини алоҳида қайд этган ва уларга миннатдорчилик билдирган.

Тошкент шаҳрининг Октябрь районидеги 39-поликленика врачлари Муътабар Султонова, ҳамшира Ақида Ҳожибоевалар ҳам ўз хизматлари билан беморлар хурматини қозонишган. Улуғ Ватан уруши инвалиди Ғ. Тошмуҳамедов улар ҳақида ёзар экан, бу нажоткорларга ташаккурини етказишни илтимос қилади.

Шунингдек, Чинобод санаторийсининг шифокорлари Н. Қосимова, Р. Ридель, М. Горбалт, М. Мадаминова, ҳамширалари Ш. Эргашева, У. Ҳақимова, бош врач Р. Отабекова чин дилдан миннатдорчилик изҳор этган Ғ. Мўминжонов, И. Мўминжоновна мактуби ҳам эътиборга лойиқ.

Янгийўлдаги Новомихайловка қишлоқ Совети территориясидаги «Интернационал» участка касалхонаси шифокори Камолиддин Охуновнинг хизматлари ҳақида мактуб юборган М. Мирзаев ҳамда С. Мирзаевалар, Олмалик шаҳрининг Кирпичная посёлкисидеги болалар даволаш муассасисиде кичкинтойлар саломатлигини ардоқлаётган Галина Нарожная тўғрисида ҳикоя қилган А. Саидов, Калинин районидеги Бўстон маҳалласиде жойлашган поликлиника враччи Мадаминжон Бурхоновнинг одамларга хушмуомалигини таъкидлаган меҳнат ветерани Т. Набиҳўжаевлар ҳам бу касб эгаларига бўлган хурмат-этиромларини ифода этишган.



ХАТЛАРГА ОБЗОР

ЖОНГА-ЖОН ШИФОКОРЛАР

СССР Медицина Фанлари академиясига қарашли Бунитифоқ хирургия илмий марказининг Тошкент филиали шифокорлари кейинги йиллар мобайнида энг мураккаб операцияларни ҳам бажармоқдалар. Марказда тиббиёт илмини ривожлантириш ишига салмоқли ҳисса қўшаётган қатор заҳматкаш олимлар авлоди шаклланди. Улар инсон организмнинг митти паҳлавони—юрак билан боғлиқ хасталикларни даволашда анчагина ижодий ютуқларни қўлга киритдилар.

Институт тадқиқотчилари юракка дармон бағишловчи воситалар устида изчил шуғулланмоқдалар. Толиққан, оғир хасталикларга дучор бўлган юрак бундай воситалар ёрдамида шифо топиб ўз аслидагидек ҳолатга қайтмоқда.

Марказда ишлаётган шифокорлар Москва ва бошқа йирик шаҳарлардаги турдош даволаш муассасалари билан ҳам алоқа қилиб турибдилар. Улар билан биргаликда илмий конференциялар, турли семинарлар уюштирилади. Сураатларда: (юқоридан - пастрга) марказнинг ультратовушли диагностика бўлимида нажоткорлар беморининг бир неча муолажалардан кейинги ҳолатини текширмоқдалар; илмий марказда бир неча йиллардан бери ишлаб келаётган ҳамширалар — А. Аропова, М. Суркевич, С. Мастова, Д. Султонова, О. Байбочева-лар коллективда сндқидил хизматлари билан эътибор қозонишган.

А. ЗУФАРОВ фотолари.



Украинада ўзбек адабиётига бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Яқинда Киев давлат университетида ўзбекистонлик ёзувчилар асарларини таржима қилувчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Леонид Кореневич, Наталья Александренко, Сергей Коваль ва бошқалар кўпгина ўзбек ёзувчиларининг асарларини таржима қилиб, нашр қилганликлари ва бу борада тинимсиз меҳнат қилаётганликлари ҳақида гапириб бердилар. Уткир Ҳошимов, Мирмуҳсин, Шукур Ҳолмирзаев каби ва бошқа ёзувчилар прозаси ҳақида сўхбат бўлди. Сўхбатда ўзбекистонлик студент ва меҳмонлар иштирок этди.

«Химия таълимини такомиллаштириш» Киев политехника институтида «Мамлакатда химия таълимини такомиллаштириш» мавзусида бутунитифоқ семинар кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Тошкент политехника институти химия-технология факультетида олий таълимни қайта қуриш борасидеги олиб борилган ишлар муҳокама қилинди.

Украинадан мактублар ЭКОЛОГИК ПОСТЛАР Киевда экологик постлар киш бошлади. Жамоат ташкилотлари вакиллари, актив ёшлари, комсомоллар пост ёшлари ҳисобланади. Дарё, кўл, ўрмон, боғларга зарар келтирувчилар постга хабар қилинади, атроф-муҳитни ифлослантирувчи корхона ёки курилмиш ташкилотлари ишини тартибга солиб турилади. Қисқа вақт ичиде 50 га яқин таклиф қабул қилиниб, булар ишга солинди. Натияжада боғроғларни бузиб ёки дам олиш зоналарини ифлос қилган шахслар оғохлантирилди, тартибга чеқирилди. Бекорга оқиб ётган тоза водопровод сувлари бекитилди, дарёларга оқизиётган ташландиқлар камайди. Шаҳар кўчалари бир мунча тоза бўлиб қолди. Мана шундай постларни республикаимиз пойтахтида, шаҳар ва қишлоқларда ташкил қилиш атроф-муҳитни тоза сақлаш, экологик шаронини яхшилашга ёрдам берган бўлур эди.

Қ. АҲМЕРОВ, Киев шаҳри.

АДАБИЁТЛАР ҲАМКОРЛИГИ



«Юлдузча» НАШРЛАРИ
СИЗЛАРГА
А Т А Б

Болажонлар! Деярли кўпчилигинингиз «Юлдузча» нашриёти сизларга атаб чиқараётган китобчалар, журналларни ўқийсиз, албатта. Бу ерда хизмат қилувчи ака-опаларингиз яқинда яна бир неча кизиқарли, рангдор суратларга бой ҳикоялар, шеърлар тўпламларини тайёрладилар. Улардан бири Ўзбекистон ССР халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Дарактлар сўхбати» деб аталади. Китобда турли дарактлар ўзлари ҳақида сўзлаб берадилар, болаларни табиати севишга чақирадилар.

Рассом С. Гильенко чиройли, қувноқ расмлар билан безаган тўплам билан танишсангиз дарактлар нималар дейишганини билиб olasiz.

Таниқли рус азувчиси Н. Носовнинг ботча ёшдаги болалар учун мўлжаллаб ёзилган «Жонли шпалпа» деб номланган ҳикояси жуда ажойиб. Уни сизлар учун Шойим Бўтаев рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Рассом Галина Ли эса ҳикояга мос чиройли расмлар билан безаган.

Аркадий Гайдарнинг ёш китобхонлар учун чиқарилган қатор асарларини ўқиган бўлсангиз керак. Яқинда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Еш гвардия» нашриёти бу азувчининг «Енар тош» деб номланган китобчасини босмадан чиқарди. Унда Ивашка Кудряшкин исмли бола яшайдиган қишлоқда ҳеч ким нима учун қайтадан ёшаришни истамаганлиги ҳақида гап боради. Мактаб ёшдаги китобхонлар учун мўлжалланган бу китоб ҳам рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган.

З. ЖУРАЕВА.

Ў Қ И Л
Б О Л А

Дам олиш куни эди. Нонуш-тадан сўнг Умриниса хола ўғли Собирга:

— Айланай ўғлим, озоқ гилос териб бер. Мукамбар опоқингилани кўриб чиқай, тоби йўқ деб эшитгандим. Хурсанд бўлади. Эртапишар гилос бир ҳафтага қолмай тасом бўлади. Опоқингни ҳам гилосга оғзи тегсин. — деди. — Ҳўп, ойижон.

Собир бир пасда челақчени қип-қизил ёқут гилосга тўлдириб дарахдан тушди.

— Мана, ойижон, бўладими? — Бўлганда қандоқ, Барака топ ўғлим! Гилос баҳона беморнинг кўнглини сўраб чиқаман. Сен...

— Сиз бораверинг, мен уйда бўламан Қиладиган ишларим бор. Чиққангиздан сўнг, менда ишингиз бўлмаса, ўртоқларим билан бироз ўйнаб келарман.

— Вой майли, ўғлим, — дея она севинди. Унинг шодландигани, ўғлидан мамнун эканлиги шундоқ кўзларидан билминиб турарди.

Умриниса хола челақчадаги гилосни олиб, қўшниси Мукамбар опоқиникига чиқди. Чикса опоқи аллақачон соғайиб кетган бўлиб, супада ўсма қўяётган экан.

Аёллар ҳол-аҳвол сўрашишди, кейин биргалашиб ўсма кўйишди.

Мукамбар опоқи дарров дастурхон ёзди. Гилосдан бир тарелкага солиб олиб келди-да:

— Олинг, энди гилос бизники бўлди, ўзингиз ҳам енг, — деб тақлиф этди.

— Уни сизга олиб чиқдим, сиз енг, биз еб юрбимиз. Бунинг сизга Собиржонингиз териб берди.

— Вой, айланай, зап екли бола бўлаптида, ўғлингиз...

Шу пайт кўчадан темир гилдирак гилдиратиб опоқининг ўғли Хайрулла кириб келди. У ҳеч қаяққа қарамай гилдиракни супа ёнигача териллатиб гилдиратиб борди. Дастурхондаги қизил гилосни кўриб:

— Ойи, менгаям гилос, — деди.

— Ҳўп, энг аввало Умриниса холаң билан сўрашмайсанми? Саломингни еб қўйдингми, ўғлим, — деди Мукамбар опоқи. Хайрулла «Э...» деб без бўлиб тураверди. Қўллари кир, ченг эди.

— Бор, қўларингни ювиб кел!

Хайрулла апил-тапил қўллари ювиб келди-да, илғақдаги сочиққа артинди. Опоқ со-

чиқ худди лойга тушиб кетгандек ола-була бўлиб қолди. — Қачон сенга ақл киради? — деди Мукамбар опоқи ўғлидан хижолат тортиб.

— Гилос беринг дедимми, берасиз, — деди у тарелкадаги гилосдан кўз ўзмай.

— Ма, — опоқи беш-олти гилосни унинг кўлига тутқазди.

— Тағин...

Она яна озоқ олиб қўлига солди. У кўчага чиқиб кетди. Дам ўтмай Хайрулланнинг «ойи ануни қаранг» деган йиги аралаш товуши келди.

Мукамбар опоқи кўча томонга ўғрилиб- «Хой ким у, нега тегасан ўғлимага!» — деб қиқириб кўйди.

Шундан сўнггина, йўлакдаги Хайрулланнинг «ингиллагани» тинди. Дам ўтмай у яна келиб:

— Ойи, қорним очди! — деди.

— Қорнинг очган бўлса, ўтир, ана чой ич, нон е.

— Қорним чой-нонгамас, гилосга очди, — деди у тиржайиб.

Хотинлар унинг гапига кулди. Ойиси яна унга озоқ гилос олиб берди. Олиб беришга олиб берди-ю, аммо онанинг хаёли бўлинди.

Нега унинг ўғли уятин билмайди, гапига-гапга қовуштирамай дамба-дам келаверади. Мени яхши кўрмаса керак. У онасини яхши кўрган-да эди, бировлар олдида шунчалик уятга қўймасди, дарров кийим-башларини ифлос қилмасди. Унинг бундоқ тузуқисига ўртоқлари ҳам йўқ. Кўчага чиқди дегунча, арзиман нарсага уришиб, талашиб йиғлаб киради. Инжиқ, қўрқоқ. Нега уни болалар ҳам ёқтиришмайди. Нега! Нега!..

— Ойи, Пўлат уч кўшалоқ гилосини олиб қўйди, берсин! Гилосини берасан. Вой, нега бўлиб юбординг, энди тўлайсан. Ойи, тўласин! Вой-вой-вой...

Мукамбар хола кўчага чиқиб, йиғлаб гингшитган Хайруллани етаклаб келди.

— Мана сенга, уч ва тўрт кўшалоқли гилос. Бўлди, бас қил! Энди кўчага чиқма, уйда ўтир, — деди ойиси жеркиб.


— Хафа бўлманг, бола-да. Болалар ана шунақа уришиб-талашиб катта бўлишади, — деб қўйди боятдан бери жим ўтирган Умриниса хола. Кейин у хайрлашиб чиқиб кетди.

Мукамбар хола эса хомуш тортиб бошини ёстиққа қўйди.

СОБИТ ҒОҒУРОВ

• Ҳўвчиларнинг ёзги каникул қуларинда пойтахтимиздаги Островский номи пионерлар саройи янада гавжумлашиб кетди. Бу ердаги тасвирий санъат, драма, биши-тиқиш, ганчкорлик ва бошқа тўғарақлар машғулотларида болалар зўр қизиқиш билан шуғулланмоқдалар. Суратда тасвирий санъат тўғараги аъзоларини кўриб турибсиз.

Р. АЛЬБЕКОВ фотос.



ХАНДАЛАР

— Сенга неча марталаб айтдим, тарбиясиз болалар билан ўйнамагин, деб. Нега тузуқроқ болалар билан ўртоқ бўлмайсан?

— Уларни мен билан ўйнатишмайди-да!

Ўқитувчи ўқувчига: — Сени уй ишинг ҳамма-ниқидан энг ёмони экан, отангга айтиб қўймасам бўлмайди-дана ўхшайди...

— Тўғри қиласиз, зора шундан кейин тузуқроқ ишласала...

— Ҳар куни эрталаб соат жингириги менга ўқдай таъсир қилади.

— Нима, дарров сакраб туриб кетасанми?

— Йўқ. Ўлиқдай ухлайман.

• Қўғирчоғим ухласия...

Е. Ботиров фотозгуды.

В. СУХОМЛИНСКИЙ

КЕНЖА ҚИЗ

ЭРТАК

Бир онанинг етти қизи ва бир ўғли бор экан. Бир куни она узокда турадиган ўғлини-кига меҳмонга борибди ва бир ойдан сўнг қайтиб келибди.

Она остонага қадам қўйиши билан қизлари бир-бирларига гал бермай чуғурлашиб кетишибди:

— Вой, ойижон-ей, лола Кўёш нуруни қандай соғинса мен ҳам Сизни шундай соғиндим, — дебди катта қизи.

— Мен Сизни қакраган ер ёмгирини қандай ораникиб кутса, шундай кутдим, — дея гапни илиб кетибди иккинчи қизи.

— Онаси учиб кетган кўча уни соғиниб қандай йиғласа мен Сизни кутиб шундай йиғледим, — дебди учинчи қизи.

— Асаларига гулсиз ҳаёт қанчалик қийин бўлса, менга Сизсиз яшаш шундай қийин бўлдики... — дея чуғурлади тўртинчи қизи.

— Атиргулнинг тушига тонгдаги шудринг томчиаси кирган бўлса, Сиз менинг тушларимга кириб турдингиз, — дея гапириб кетибди бешинчи қизи

— Гулзор боғ булбулини қандай кутса, мен ҳам Сизни шундай интизор бўлиб кутдим, онажон, — дея сайраб кетибди олтинчи қизи.

Еттинчи-кенжа қизи онасига ҳеч нарса демабди. У онасининг йўл кийимларини ечишга кўмаклашибди ва индамай унга юз-қўлларини ювиб олиш учун илиқ сув келтириб, сочиқ тутибди.

НОН ИСЛИ
ОНА

Бир куни болалар боғчасига икки янги келган бола Толя билан Коля қабул қилинди. Уларни боғчага оналари олиб келди. Болалар бир-бирлари билан танишиб олишди:

Толя Колядан сўради: — Сенинг онаңг ким бўлиб ишлайди?

— Сен бунинг сезмадингми ҳали? — ҳайрон бўлиб сўради Коля. — Менинг онамдан дори ҳиди келади. Онам — врач. У одамларни даволайди. Врачсиз одамларнинг аҳоли ёмон бўлар экан. Хўш, ўзинг айтчи, сенинг онаңг ким бўлиб ишлайди?

— Наҳотки сен бунинг билмай қолдинг? — ҳайрон бўлди Толя. — Менинг онамдан нон исси келади. Онам — нонвойлар. Улар ҳамма одамларни боқадилар. Нонсиз ҳеч ким дунёда яшай олмас эди. Билдингми?

— Врач ҳамми? — сўради Коля.

— Врач ҳам, — жавоб қилди Толя гурурланиб.

Зухра ҒАҒУРОВА таржимаси.

ЖАЖЖИ ШЕЪРЛАР

ЕБ ҚҮЙДИК-ДА
ЎЗИМИЗ

Туғилган кунинг билан Табриклар сенм, Мурод, Зафар ва мен соғна деб, Олган эдик катта торт... — Раҳмат...

Пичоқ келтирай Бирга кўрамиз баҳам — Овора бўлма...

Йўлда Еб қўйдик, — дейди Маҳкам.

Самандар ВОҲИДОВ.

«ЧЕМПИОНЛАР»

Боғчамизда чемпион: Қўшиқ айтишда — Суюн.

Расул — расм чизишда,

Лола рақсга тушишда,

Юғуришда — Ҳалима,

Арашлада — Салима.

Йўлдош СУЛТОНОВ.



ТОПИШМОҚЛАР

Ейилади кун ботса, Кетар тарқаб Тонг отса.

Ҳ. РАҲМАТ.

Оғани Яқинини Кўролмайдди Бир-бирини.

Ғ. СОБИТОВ.

Ҳар бир уйда ўрин бор. Юзлаб қават тўни бор, Тонг отганда ҳар куни Ечар унинг бирини.

Б. ОМОНОВ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба,

20 июнь

✦ МТ-I

7.00 «120 минута», 9.05 Футбол шарҳи, 9.35 Дунёнинг кувончлари. Телевизион Бадий фильм, 1-серия, 11.05 Санъат усталари, 12.20, 16.30 Янгилар, 16.45 Қайта қуриш прожектори, 16.55 Нега ва нима учун? 17.25 Концерт, 17.50 Мен, сен ва биз ҳаммамиз биргаликда, 18.35 Й. Штраус, Лүллар барони, 18.45 Футбол шарҳи, 19.15 Сиз билан маслаҳатлашиб, 20.00 Дунёнинг кувончлари. Телевизион бадий фильм, 2-серия, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Менга сўз беринг, 22.30 Опера шинавалдалари клуби, 23.30 Дунё воқеалари.

✦ МТ-II

9.00 Гимнастика, 9.20 Илмий-оммабол фильм, 9.50 Рус тили, 10.20 Композитор ва дирижёр Г. Мустя, 11.00 Болаларга ҳайвонлар ҳақида, 11.30 Табиат билан ҳамжиҳатликда, 11.50 Мультфильмлар, 12.20 Саен ҳақида сўз, 13.20 Севаман, кутаман, Лена. Бадий фильм, 14.35, 18.35 Янгилар, 18.45 Совет Иттифоқига хизмат қилман, 19.45 Халқаро панорама, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Реклама, 20.50 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун, 21.20 Ҳужжатли фильм, 21.30 «Время», 22.05 Қарши зарба, Бадий фильм, 23.25 Футбол шарҳи.

✦ УзТв

15.00 Болалар учун фильм, 16.05 Киноб — бизнинг дўстимиз, 17.05 «Абитуриент-88», 17.35 Оламини кашф этиб, 18.00 Янгилар, 18.10 Мультфильм, 18.20 Болалар учун концерт, 18.50 Йиллар армони, 19.20 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 20.00 «Ахборот», 20.20 Телефильм, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.20 Ҳужжатли фильм, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 22.45 Дала ҳовли, Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Улэр ўтншолмайди. Бадий фильм, 20.55 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 21.30 Фрунзе кўрсатади.

Сешанба,

21 июнь

✦ МТ-I

7.00 «120 минута», 9.05 Дунёнинг кувончлари. Бадий фильм, 2-серия, 10.35, 16.30 Янгилар, 16.45 Болалар учун фильм, 18.10 Ўзбекистон телевиденисининг программаси, 19.10 Дунё воқеалари, 19.30 КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларнинг тарихий аспекти, 20.10 Дунёнинг кувончлари. Бадий фильм, 3-серия, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш муаммолар ва очиллар, 23.35 Дунё воқеалари, 23.45 Юрмалада учрашамиз, 00.45 Ҳужжатли фильм, 01.10 Футбол. Европа чемпиони, Ярим финал.

✦ МТ-II

9.00 Гимнастика, 9.20 «Лисма» рақса тушади, 9.45 Рос-

сиянинг буюк кишилари, 10.05 Француз тили, 10.35 Катталар ва болалар, 11.10 Мультфильмлар, 11.40 Давр ва ўзим ҳақида, 12.00 Француз тили, 12.30 Концерт, 12.55 Болалар учун фильм, 14.10 Янгилар, 14.20 Қарши зарба, Бадий фильм, 18.35 Янгилар, 18.45 Ритмик гимнастика, 19.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар, 20.00 Музикали кинос, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар, 20.45 Теннис, 21.30 «Время», 22.05 Ершовкада суд. Телевизион бадий фильм, 23.10 Тонгги почта.

✦ УзТв

15.00 Фильм-концерт, 15.30 «Орлёнок-88», 16.30 Кинопрограмма, 17.25 «Абитуриент-88», 17.55 Янгилар, 18.05 Мультфильм, 18.15 Агронаот: тажриба ва муаммолар, 18.35 Фронт ортидаги фронт, Бадий фильм, 1-серия, 20.00 «Ахборот», 20.20 КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларини муҳокама қиламиз, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.05 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 23.05 Оламга савҳат.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Агар соғлом бўлай десанг, 20.10 Телефильм, 20.40 Фестивалга хотима: тажриба, муаммолар, умидлар, 21.30 Душанба кўрсатади.

Чоршанба,

22 июнь

✦ МТ-I

7.00 «120 минута», 9.05 Дунёнинг кувончлари. Бадий фильм, 3-серия, 10.25 Футбол. Европа чемпиони, Ярим финал, 11.15, 16.30 Янгилар, 16.40 Қайта қуриш прожектори, 16.50 Болалар учун фильм, 18.10 ...16 ёшгача ва ундан катталар, 18.55 Концерт, 19.10 Мультфильм, 19.20 Дунё воқеалари, 19.35 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 20.20 Дунёнинг кувончлари. Бадий фильм, 4-серия, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Менга сўз беринг, 22.30 Футбол. Европа чемпиони, 00.20 Фильм-концерт, 01.10 Футбол.

✦ МТ-II

9.00 Гимнастика, 9.20 «Халдай» рақса тушади, 9.50 Россиянинг буюк кишилари, 10.20 Немис тили, 10.50 Мультфильмлар, 11.20 Ҳужжатли фильм, 11.50 Немис тили, 12.20 Болалар учун фильм, 13.30 Концерт, 14.30 Янгилар, 14.40 Ершовкада суд. Бадий фильм, 1-серия, 18.30 Янгилар, 18.35 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. Ростов телевидение студиясининг программаси, 19.30 Концерт, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Теннис, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Теннис, 22.30 Ершовкада суд. Бадий фильм, 2-серия.

✦ УзТв

15.00 Тая ва икки мушкетер. Бадий фильм, 16.10 Финзика, 16.40 Телефильм, 17.15 Ешлик, 18.05 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 18.35 Фронт ортидаги фронт. Бадий фильм, 2-серия, 20.00 «Ахборот», 20.20 Хотира, 20.30 «Ахборот», 20.50 Бутуниттифоқ XIX партия конферен-

цияси олдидан, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Пахтакорларнинг долзарб вазибалари, 22.45 Музикали программа.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Серафима ороли. Телевизион бадий фильм, 21.00 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 21.30 Душанба кўрсатади.

Пайшанба,

23 июнь

✦ МТ-I

7.00 «120 минута», 9.05 Дунёнинг кувончлари. Бадий фильм, 4-серия, 10.15 Футбол. Европа чемпиони, 11.05, 16.30 Янгилар, 16.40 Қайта қуриш прожектори, 16.50 Танишинг. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлари, 17.35 Концерт, 18.00 Фидойи шахслар, 18.45 Фан: назария, тажриба, практика, 19.15 Дунё воқеалари, 19.35 Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига, 20.05 Дунёнинг кувончлари. Бадий фильм, 5-серия, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Менга сўз беринг, 22.25 Футбол Европа чемпиони.

✦ МТ-II

9.00 Гимнастика, 9.20 Қуёшли Тожикистон оҳанглари, 9.50 Россиянинг буюк кишилари, 10.20 Испан тили, 10.50 Мультфильм, 11.20 Кўклар кун, 11.50 Испан тили, 12.20 Болалар учун фильм, 13.25 Янгилар, 13.35 Ершовкада суд. Бадий фильм, 2-серия, 14.40 Кишлоқ янгилар, 18.30 Янгилар, 18.40 «Оқиқ роля», 19.05 Телевизион ҳужжатли фильм, 19.55 Реклама, 20.00 Ритмик гимнастика, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар, 20.45 Теннис, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Теннис, 22.30 Танишинг: ёш кинематографчилар, 23.45 Сиз бунга қодирсиз.

✦ УзТв

15.00 Ирода. Телеспектакль, 16.55 Химия, 17.25 Телефильм, 18.00 Янгилар, 18.10 Пионерлар мамлакатда, 18.55 Хужжатли ҳисоби ва ўз ўзини маълаф билан таъминлаш йўлидан, 19.25 Регби бўйича СССР чемпиони, 20.00 «Ахборот», 20.20 Телефильм, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 22.45 «Ретро», Экранда «Ўзбекфильм» киностудиясининг фильмлари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Ўзбекистон композиторларининг камер асарлари, 20.10 Совет Иттифоқи бўйлаб, 20.40 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 21.30 Фрунзе кўрсатади.

Жума,

24 июнь

✦ МТ-I

7.00 «120 минута», 9.05 Дунёнинг кувончлари. Бадий фильм, 5-серия, 10.25, 16.30 Янгилар, 16.45 Қайта қуриш прожектори, 16.55 Арманистон телевиденисининг программаси, 18.25 Ҳужжатли фильм, 18.55 Шейрият лаҳзалари, 19.00

Дунё воқеалари, 19.20 Фалсафий сўхбатлар, 20.20 Дунёнинг кувончлари. Бадий фильм, 6-серия, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Останкино концерт студиясида, 23.40 Интерсигнал, 00.10 «Нигоҳ», Тунги информацион — музикали программа.

✦ МТ-II

9.00 Эрталабки гимнастика, 9.20 Фильм-концерт, 9.50 Илмий-оммабол фильмлар, 10.20 Инглиз тили, 10.50 Ҳужжатли фильмлар, 11.20 Чашмалар, 11.50 Инглиз тили, 12.20 Тонг саҳарда. Бадий фильм, 3-серия, 13.25 Янгилар, 13.35 Танишинг ёш кинематографчилар, 18.35 Янгилар, 18.45 Концерт, 19.30 Сиз билан маслаҳатлашиб, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар, 20.45 Теннис, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Концерт.

✦ УзТв

15.00 Болалар учун фильм, 16.25, Абитуриент-88, 16.55 Концерт, 17.15 Биз қандай дам оламиз, 18.00 Янгилар, 18.05 Ешлик студияси кўрсатади, 19.30 Фан уфилари, 20.00 «Ахборот», 20.15 Комсомол прожектори, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 22.45 Қадимий ёлгорликлар — халқ мўлики, 23.20 Эртага премьера.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Дадиллик учун юз грамм, Бадий фильм, 20.55 Бош илдиқ ишлар ва одамлар, 21.30 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.

Шанба,

25 июнь

ИХТИРОЧИЛАР ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР КУНИ

✦ МТ-I

7.00 «120 минута», 9.00 Ҳужжатли фильм, 9.20 Дунё кувончлари. Бадий фильм, 6-серия, 10.30 Ҳужжатли фильм, 10.40 Мўжизасиз-мўжизалар, 11.40 Ҳозирги давр ва ишчилар ҳаракати, 12.10 Аппелляция. Бадий фильм, 13.40 Дунё воқеалари, 14.00 Аслини олганда, 15.30 Концерт, 15.55 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 16.25 Йиллар, авлодлар, қушқилар, 17.25 Халқаро ҳаёт бош редакцияси таништиради, 18.35 Москва гузали, 19.05 Концерт, 20.20 Ҳужжатли фильм, 21.30 «Время», 22.00 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлари сўзлайдилар, 22.10 Футбол, 23.50 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг. Информацион-музикали программа.

✦ МТ-II

8.30 Эрталабки гимнастика, 8.45 Студия таништиради, 9.35 Сай — малер, 10.35 Эдореве киноэкрани, 11.25 Зеннинг ленинча кутубхона, 12.10 Ҳайвонот оламини, 13.10 Новаторлар ва консерваторлар, 14.00 Рус маданияти ҳақида сўхбатлар, 14.45 Инсон институти, 15.45 Ҳужжатли фильм, 16.15 Учувчида менинг хавлим, Бадий фильм, 17.20 А. В. Нежданова уйда, 18.45 Ҳужжатли фильм, 19.00 «12 қаъри», 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар! 20.45 Теннис, 21.30 «Время», 22.00

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг делегатлари сўзлайдилар, 22.10 Олтин маъбада, Бадий фильм.

✦ УзТв

8.00 «Ассалому алайкум» Информацион-музикали программа, 9.30 Кинопрограмма, 10.30 Спорт шарҳи, 11.30 Ҳужжатли экран, 12.30 Концерт, 13.20 Инсон ва замин, 14.20 Абитуриент—88, 14.50 Акс садо, Спектакль, 18.00 Умирлар учун, 18.45 Бугун Иختиронлар ва рационализаторлар кун, 19.15 Мультфильм, 19.30 Театр ҳаёти, 20.00 «Ахборот», 20.20 Ҳужжатли фильм, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.00 Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг делегатлари сўзлайдилар, 22.10 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 22.40 Концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.15 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Якшанба,

26 июнь

СОВЕТ ЕШЛАРИ КУНИ

✦ МТ-I

8.30 Янгилар, 8.45 Ритмик гимнастика, 9.30 Ҳужжатли фильм, 9.40 Спортло то тиражи, 9.50 Будильник, 10.20 Совет Иттифоқига хизмат қилман, 11.20 Тонгги почта, 11.50 Тележурнал, 13.00 Музикали кинос, 13.00 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 14.30 Улингиз қаерда, Бадий фильм, 15.50 Концерт, 16.15 Мультфильмлар, 17.05 Илчи заставаси, Бадий фильм, 1-қисм, 18.30 «Халқаро панорама», 19.15 Илчи заставаси, Бадий фильм, 2-қисм, 21.10 Концерт, 21.30 «Время», 22.05 Валентин Распутин билан учрашув, 23.40 Янгилар.

✦ МТ-II

8.30 Зарядка сафланг, 8.50 Сиз яратган бог, 9.30 Портретлар, 10.35 Уқитувчи дарсига, 11.10 Оламга савҳат, 12.15 Делегат наваз, 13.25 Иқтисодий билимлар асослари, 14.00 Ҳужжатли фильм, 14.30 Фильм-спектакль, 16.55 Фидойи шахслар, 17.40 Телевизион музикали абонемент, 19.00 Модалар журналы таништиради, 19.40 Ҳужжатли фильм, 20.35 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар, 20.50 Танишинг чет эл цирки, 21.30 «Время», 22.05 Санъатда ёмғир ёғапти, Бадий фильм, 23.30 Теннис.

✦ УзТв

8.30 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа, 10.00 Новатор ўқитувчилар билан учрашув, 10.45 Биргаликда куйлаймиз, 11.05 Мактаб ўқувчилари учун, 12.00 Спорт программаси, 13.00 Дўстлик экран, 14.00 Абитуриент—88, 14.30 Объектда қайта қуриш, 15.30 Ўзбек халқ достонлари, 16.30 Реклама, 18.00 Концерт, 19.00 Ешлик студияси кўрсатади, 20.00 «Ахборот», 20.20 Ҳужжатли фильм, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.05 «Ахборот» танкид қилади», 22.20 Ҳаёт кувончлари ва ташвишлари. Қашқадарё облатида кўрсатади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

16.50 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Футбол бўйича Европа чемпионатида



Газетанинг бу сони қўлингизга текканда биринчи гуруҳнинг иккала голлиби маълум бўлади. Лекин совет футболчилари қатнашадиган иккинчи гуруҳдан кимлар ярим финалга чиқиши ҳозирча номмаълум. Муҳлислар тоқатсизлик билан бугун тунда бериладиган репортажларни кутмоқдалар.

ТАХМИНЛАР, ТАХМИНЛАР...

огир учрашувлари ҳам дуруст ўтди. Аини дамда Европанинг футбол чўққисини забт этиш иштиёқида янаётган бештагина команда турнипти [бугун улардан яна бири четга чиқиб қолади]. Иккима бўларинки! Бу саволга совет делегацияси бошлиқлари ҳам, ўйинчиларимиз ҳам лом-мим дейишмаяпти. Улар ўзлари яшаётган бир чеккадаги Рунт базасида ташқи оламдан алоқани бутунлай ўзиб қўйганлар. Команда ақинига ҳеч бир журналист ақиллаштирилмапти. Устоз Лобановскийнинг ўзи ҳам нигерияво беришдан тийилиб турибди. Эҳтимол унинг шу йил апрель ойида юраги хасталаниб, шифохонанинг реанимация бўлимида ётиб чиққанлиги шунини тақозо этар. Эҳтимол, футбол мутахассисларимиз Мексика сабогини унуттишмаётганлар. Ҳарқалай сўнгги жаҳон чемпионатидан тренерларимизнинг жиддий хулоса чиқарганлиги сезилиб турипти. Мексика майдонларида совет ўйинчилари биринчи матлардаёқ бор имкониятни ишга солиб, фақат ҳужумини ўйлаган эдилар. Уларнинг дастлабки ўйинлари катта шов-шувга сабаб бўлганди. Ишқибозлар командамиз олтин бўлмаса ҳам ҳар қалай

бошқа бирон бир медалини қўлга киритмай қайтмайдилар, деган хулосага келиб қолгандилар. Лекин совет командасининг ҳамма «карта»сини очиб қўйганлиги, дастлабки учрашуларга кўп куч сарфланганлиги кейин панид берганди. Бу сафар тренерларимиз стратегияни ўзгартиришди. Гарчи команда ёрқин ўйин кўрсатмаган бўлса-да, шовилмай, мулоқазга билан ҳаракат қилаётгани сезилиб турипти. Иккинчи ўйинда тренер Ю. Морозовнинг гапига қараганда кўп футболчиларимиз «ўз имкониятларининг 60 процентини ҳам намоён қилмадилар». Бугун қандай ўйнашаркин! Бу ҳозирча сир. Шу боис муҳлислар ўзларича ҳисоб-китоб қилиш, ўзларича тахминлар айтиш билан машғул. Ватандошларимиз энг аввало... Ирландия командасига ҳайрхоҳ бўлиб туришарди. Агар бу команда бугун муваффақиятга эришса, бизнинг Англия футболчилари билан бўладиган ўйинимиз қандай натижа билан тугашидан қатъий назар [хатто ютқазсан ҳам] СССР ярим финалда бўлади. Голландияликлар энгиб чиқишса [улар тўрт очко тўплайди], совет футболчилари Англия билан бўладиган ўйинда ҳаммада бир

очко қўлга киритишлари лозим. Англия командасига ҳозир осон тўтиб бўлмайди. Футбол ватани вакиллари учун бугунги учинчи ўйин обрўни бутунлай тўғиб юбормаслик ўйини бўлади. Уларга мадад бериш учун денгиз оша келган минглаб муҳлисларнинг ҳам ёрдами теғмади. Биринчи ўйиндан сўнг полициячилар 95 нафар инглизлик ашаддий беворини ГФРдан чиқариб юборган эди, иккинчи ўйиндан сўнг эса уларнинг яна 130 нафари қамолқа олинди. Ҳа, қойилмақом ўйинмаганидан сўнг, омаднинг ҳам юришмайди, ҳеч ким ҳам ёрдам беролмайди. Борди-ю, бугун СССР, Ирландия, Голландия командаларининг очкоси тенг бўлиб қолса нима бўлади! У ҳолда ҳамма ўйинда киритилган ва қўйиб юборилган тўплар нисбатан яхши бўлган командага ўстулик берилади. Бу кўрсаткич ҳам тенг бўлса, унчала ўйинда ким кўп тўп киритгани ҳисобга олинади. Агар бунда ҳам тенглик вазияти бўлса ўз-ара учрашулар натижаси инобатга олинади. Бу кўрсаткич ҳам ўсту томонни аниқлаб бермаганда чек ташланади. Қисқаси, ярим финалчилар бугун аён бўлади. Сўнг бор-йўғи яна иккита ғалабага эришган команда Европа чемпиони бўлиши тайин.

М. СОАТОВ.

МУСОБАҚАЛАР

● МАМЛАКАТИМИЗ клублари терма командаси ёғи «Олимпиада-88» пойтахтида бошланган футбол бўйича олимпиададали халқаро турнирининг биринчи матчида АҚШ командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга урчатди. Мазкур гуруҳда Англиянинг «Куинпарк» клуби ҳамда Нигерия олимпия терма командалари ҳам жўшроқ эштишмоқда.

● БИРИНЧИ лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг 15-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Бу сафар Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Запоружьеда маҳаллий «Металлурж» коллективи билан учрашиб, 1:1 ҳисобида ўйнади. Тўпни пахтакорчилардан Г. Роткович киритди. Қолган ўйинларда куйидаги натижалар қайд қилинди: «Динамо» (Ст) — «Звезда» — 2:0, «Спартак» — «Геолог» — 4:0, «Шинник» — АСК (Р) — 1:1, «Таврия» — «Ротор» — 3:0, «Заря» — «Даугава» — 3:2, «Ростсельмаш» — АСК «Корпати» — 2:1, «Динамо» (Бт) — «Кубань» — 1:0, «Уррия» — «Котайк» 1:0, «Колос» — «Помир» — 0:2, «Кузбасс» — МАСК — 0:0.

Чемпионатда 23 очко билан Душанбенинг «Помир» командаси пешқадамлик қилмоқда. Пахтакорчиларда 16 очко бор.

ЭРКИН КУРАШ

● Красноярск шаҳрида эркин кураш бўйича мамлакат чемпионати ўтказилмоқда. Унда мамлакатимизнинг 200 га яқин кучли спортчилари иштирок эштишмоқда. Олимпия ўйинларига тайёргарликнинг сўнгги контроль имтиҳони ҳисобланган мазкур чемпионатдан С. Белоглазов ва А. Фадзаевлар овоз этилидилар. Чунки бу икки полвоннинг тайёргарлиги тренерларда шубҳа уйғотмади. Дастлабки куни 90 килограмм вазнда гилвага тўшган тошкентлик Махярбек Хадарцев ғалабага эришиб, кейинги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Чемпионатда кутилмаган воқеалар ҳам рўй берди. Жаҳон чемпиони Адлан Вароев курашнинг иккинчи минутиде эски жароҳати мунайи гиламни тарк этишга мажбур бўлди. Жаҳон экс чемпиони Бокулик Хазар Исоев эса маҳаллийлик Мугомед Мутаевга ютқазиб қўйди. Европа чемпиони Василий Гоголев қўшимча вақтда ленинградлик Рағиф Мамедова ғалабани бой берди.

РАДИО УЙИДА—ЭКСПОЗИЦИЯ

Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети овоз ёзиш ва радио уйининг кўргазмалар залида қозогистонлик расом Дулат Алиев, ҳайкалтарошлар Зағиф Раҳмонов ҳамда Қодиржон Ҳақимовлар асарлари намуналарининг кўргазмаси очилди. Уни Ўзбекистон ССР маданият ва радио эшиттириш давлат комитети ҳамда Ўзбекистон расомлар союзи ташкил қилган. Дулат Алиевнинг ўзига хос оригинал асарлари фақат Қозогистондагина эмас, балки Иттифоқимизнинг кўплаб санъат муҳлисларига маълумдир. У ўзининг бионеча картиналари билан мамлакатимизнинг турли кўргазмаларида қатнашган. Ҳайкалтарош Зағиф Раҳмоновнинг номи ҳам Қозогистондан ташқарида маълумдир. Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон расомлар союзи правденисининг райси В. Жалолов, меҳмонлар В. Раҳмонов, Д. Алиев, санъатшунослик кандидати А. Умаров сўзга чиқиб, мазкур экспозициянинг икки республика расомлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришдаги катта роли ҳақида гапирдилар. Кўргазма бир ой давомда ишлайди.

3. АБДУРАҲМОНОВ.



УЧ ЭГИЗАК

Паркент районининг Заркент қишлоғида истиқомат қилувчи педагоглар Муҳайт ва Асқар Ражаббоевлар оиласида туғилган уч эгизак фақат ота-оналаригагина эмас, улар ишлаётган мактаб коллективи учун ҳам катта қувонч бағишлади. Ҳамкасблари ёш оила соҳибларини чин дилдан табриқладилар. Суратда: бахтиёр оила фарзандлари билан. Г. Пун фотоси. (ЎЗТАГ).

ХАР ТўғРИДА

ШОҲСУПАДА — ҚАНД

● Жанубий Чехиянинг Дачица деган ушча катта бўлмаган шаҳрида ўзига хос ёдгорлик ўрнатилган: кулранг гранитдан исалган шоҳусупада бир кирраси билан таянган ҳолда сайқал берилган куб

шаклидаги қанд ўрнатилган. Бу — 1843 йили Дачицада жаҳонда биринчи марта чақмоқ қанд ишлаб чиқарилгани шарафига ўрнатилган ёдгорлик белгисидир.

МИРИҚИБ ҚОМУЗА ТОРТИНГ...

● Нью-Йоркдаги маҳаллий телекомпанияларнинг бири ўз программаларининг одатдагидан ташқари яқунламоқда. Экранда одам

пайдо бўлади ва ширин... ҳомуза тортади. Шундан сўнг редакцияга бирин-кетин «ҳомуза тортишини давом эттирсангиз...» деган мазмунида хатлар ёғилиб кела бошлади. Албатта, бу мактублар, энг аввало, уйғусизлик даридега мубтало бўлган одамлардан эканини аниглаш қийин эмас. Шунинг учун ҳам уларнинг талаби қондирилди.

ЕВРОПАДА ЭНГ КАТТА

● Болгар инженерни Велко Йорданов Европада энг катта бўлган гигант соатни лойиҳа қилди ва тайёрлашга 15 йил сарфлади. Ловеч шаҳрилик бу инженер ўз ўғли билан бу соат механизми учун 4800 та деталь тайёрлади. Соат цефербалтининг диаметри 13,5 метр келади.

ОЧКОЛАР — СЕКУНДЛАР

Реклама ва эълонлар

Тўйлар муборак!

Тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарга эга бўлган АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИНИНГ «САМО» АНСАМБЛИ

Бахт ва шодлик оқшомини кўнгуллагидеқ ўтказишда ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Ансамбли кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага тақлиф қилишнингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 17.00 дан Маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Автасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Автасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 154, 164-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати, метрода «Чкалов» станциясигача борилади).

АҲОЛИ ДИҚКАТИГА!

1986 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН 3 ПРОЦЕНТЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ ШАРТЛАРИГА МУВОФИҚ БУ ЗАЕМИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 1988 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН БОШЛАБ ТУГАЙДИ

1986 йилда чиқарилган заёмнинг ютуқ чиққан, шунингдек ютуқ чиқмаган облигацияларини уларнинг қийматини қайтариб олиш учун 1988 йилнинг 1 июлига қадар кўрсатиш мумкин. Ана шу муддат ўтгач, заёмлар ўз кучини йўқотди ва уларнинг ҳақи тўланмайди. Юқоридега кўрсатилган муддат ичиде Жағғармалар банкида сақлаб келинаётган ва ағалари томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган заём облигациялари ҳам ўз кучини йўқотди.

СССР Жағғармалар банкининг Тошкент область божқармаси.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекстана и областного Совета народных депутатов

Издається на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48, 32-53-54 хатлар ва оммавий ишлар бўляни